

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

«Муҳандис – техника» факультети

**«Гидротехника иншоотлари ва насос станциялардан фойдаланиш»
кафедраси**

**«Гидротехника иншоотлари ва насос станциялардан фойдаланиш»
йўналиши бўйича бакалавр даражасини
олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Наманган вилоятида жойлашган «Эскиер» сув омборидан
фойдаланишни асослаш**

Раҳбар:

Саидов И.Э.

Бажарди:

Джўраев С.Х.

«Химояга рухсат этилди»

**«Химоя учун ДАКга
юборилди»**

Кафедра мудири _____

**Факультет декани,
_____**

т.ф.н.,доц. Эшев С.С.

т.ф.н.,доц. Алиқулов М.Н.

«_____» _____ 2015 й.

«_____» _____ 2015 й.

Қарши 2015 йил

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Гидротехника иншоотлари ва насос
станциялардан фойдаланиш» кафедраси
мудирини _____ доц.С.С.Эшев
« _____ » _____ 2014 й.

Битирув малакавий иши учун ТОПШИРИҚ

Талабанинг фамилияси исми шарифи

Джўраев Самандар

1. БМИ нинг мавзуси

Наманган вилоятида жойлашган «Эскиер» сув омборидан фойдаланишни
асослаш

«04» 12 2014 йил институтнинг 680/Т буйруғи билан тасдиқланган

2. Тайёрланган битирув малакавий ишини топшириш муддати
«15» июн 2015 й.

3. БМИ учун берилган маълумотлар

“Ўздавмелиосувлойиҳа” институти, “Давсувхўжаликназорат” Диагностика
маркази

4. Ҳисобий- тушунтириш баёнининг мазмуни

Кириш. Умумий қисм. Техник – эксплуатация қисми. Таъмирлаш ва созлаш
ишларини ташкил этиш. Мехнатни муҳофаза қилиш. Атроф – муҳит
муҳофазаси. Эксплуатацион техник – иқтисодий ҳисоблар. Хулоса.
Фойдаланилган адабиётлар.

5. Кўргазмали чизма материалларининг номлари (чизма номлари аниқ кўрсатилган)

1. Тўғон плани ва кўндаланг қирқимлари. 2. Сув чиқариш ва сув узатиш
иншоотларининг плани, бўйлама ва кўндаланг қирқимлари. 3.
Мустаҳкамланган ўзан конструкцияси. 4. Сув омборида эксплуатация
хизмати структураси ва эксплуатация хизмати штати. 5. Силжиш
графиклари, кузатувлар ва уларни ўтказилиш муддатлари.

6. БМИ қисмлари бўйича маслаҳат
берувчилар: _____

Қисм	Маслаҳатчи	Имзо	Сана
Мехнат муҳофазаси	Саидов И		
Атроф-муҳит муҳофазаси	Саидов И		

7. Малакавий ишни бажарилиши бўйича календар графиги

Хафта сони	Битирув малакавий ишининг бўлимлари	Малакавий ишнинг ҳажми, бет	Умумий ҳажмга нисбатан %	Бажарилган-лиги тўғрисидаги белги	Изоҳ
1	Кириш. Умумий қисм бўйича маълумотлар йиғиш.	10-15	10		
2	Техник – эксплуатация қисми	45-55	80		
3	Гидротехника иншоотларини таъмирлаш ва қайта тиклашда меҳнат муҳофазаси	7-10	3		
4	Гидротехника иншоотларидан фойдаланишда атроф – муҳит муҳофазаси	7-10	3		
5	БМИ ни расмийлаштириш ва ҳимоя қилиш		4		

Малакавий иш раҳбари _____ Саидов И.Э

Топшириқни олган кун _____

Талаба _____ Джўраев С.Х

Кириш

Мамлакатимиз ижтимоий- иқтисодий ривожла нишининг муҳим омилларидан бири қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ривожланган мамлакатлар тажрибасида асосланиб ташқиллаштириш ва олиб боришдир. Бунда ер ва сув захираларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш асосий вазифаларимиздан биридир. И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йулида» (2) асарида айтилганидек, ерларнинг мелиоратив ҳолатида этиборини ҳеч қочон сусайтирмаслик керак, агар биз шундай қилмасак истикболдан махрум буламиз».

Республикамиз ҳукумати ва маҳаллий бошқарув органлари давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари асосида қишлоқ хўжалигига кўплаб ижтимоий ишларни амалга оширилмоқда. Хусусан мулкчилик шаклларининг кўпайиб бориши, фермерлик ҳаракатининг ривожланиб бориши, янги техника ва технологияларининг қишлоқга жадал кириб келаётгани ва бошқалар ер ва сув захираларидан умумлироқ фойдаланиш имконини яратмоқда. Эришилган ютуқларимизни ривожлантириш учун курашиш ва мамлакат иқтисодиётини янада эркинлаштириш зарур.

Қишлоқ хўжалигимиздаги ютуқларимиз билан бир каторда муаммолар мавжудлигини унутмаслигимиз лозим. Маълумки бази ҳудудларимизда суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини шурланиш оқибатида яроксизланиб қолган ер усти ва ер ости захиралари ҳам тобора камайиб бормоқда. Бу эса қишлоқ ва сув хўжалиги объектларини комплекс омиллар ва талабларни инобатга олган ҳолда лойиҳалаш, барпо этиш ва улардан оқилона фойдаланишни талаб этади.

Республикамиз президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон 21 аср бусагасида ҳавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари тараққиёт кафолатлари» асарида мамлакатимиз ва марказий осийё минтақасидаги экологик муаммолар чуқур таҳлил қилинган ва экологик муаммолар чуқур таҳлил қилинган ва экологик ҳолатни яхшилаш борасида Ўзбекистон мелиоративлари олдида турган вазифалари алоҳида кўрсатиб утилган

«Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги нуктаи назаридан караганда , сув захираларининг шу жумладан ер ости ва ер усти сувларнинг кичик такчиллиги ҳамда ифлосланиши катта ташвиш тугдирмокда» Жумладан президентимизнинг асарида. Суғориш тармоқларининг режими ва ўлчамларини суғориш техникаси билан мустахкам боғлаш, окава сувларини дарё ва сув омборларига оқизиши батамом тухтатиш сувни муҳофаза қилишнинг асосий тадбирлари булиши лозимлиги бу асарида алохида кўрсатиб утилган .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги фармони (4] қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек, мелиоратция ишларини тахлил қили шва молиялаштириш механизминини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратди.

Мелиоратив тизимлар таркибида хилма-хил вазифаларни бажарувчи гидротехника иншоотлари барпо этилади. Иншоотларнинг тузилиш параметрлари қурилиш жойининг геологик ва гидрогеологик шарт шароитлари қурилиш ҳудудининг иклими, иншоот тасаруфидаги каналнинг ўлчамлари ва бошқа қўшимча кўрсаткичлари асосида махсус инженерлик ҳисоблари буйича танланади. Хар қандай гидротехника иншооти унга қуйиладиган техник, эксплуатацион, иқтисодий талаблардан ҳам жавоб бериши лозим.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши мамлакатимизда асосан суғориладиган деҳқончиликга асосланганлиги учун ирригация объектларини қуриш, қайта таъмирлаш, уларнинг конструктив тузилишини ва фойдаланиш тартибларини такомиллаштириш ишлари доимий равишда олиб борилиши лозим. Бу эса ишимиз учун танланган мавзунинг долзарблигини кўрсатади. Гидротехника иншоотларини эксплуатация қуришда атроф-мухит муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш, сарфланган маблағлардан тушадиган

фойда миқдорини ошириш ҳамда иншоотлардан самарали фойдаланиш давомийлигини имкон қадар узайтиришга эътиборини қаратиш лозим.

Ишимиз учун объект сифатида қабул қилинган Талимаржон сув омборидан фойдаланиш ишларини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, эксплуатация ишларини техник, технологик ва экологик нуқтаи назаридан асослаш битирув малакавий ишимизнинг асосий мақсади ҳисобланади. Иншоотдан фойдаланиш тартибларини асослаш барча ечимлар ва ҳисобларни бажаришда «Давсувхўжаликлар назорат» диагностика марказининг Талимаржон сув омбори бўйича лойиҳавий материаллардан ҳамда амалдаги қурилиш миёралари ва адабиётларда келтирилган маълумотлардан фойдаланилади.

1. Умумий қисм

1.1. Эскиер сув омборининг жойлашган урни ва вазифаси

Эскиер сув омбори Чотқол тоғ тизмасининг ғарбий шарқий қисмида дарё узанидан ташқарида жойлашган мавсумий бошқарилади. Мамурий жиҳатдан Наманган вилоятининг Ўзбекистон туманига қарайди.

Сув омбори Наманган сой дарёсидан, қўшимча катта Наманган каналидан тулдирилади. Сув омборининг асосий вазифаси Ўзбекистон туманидаги 1400 га суғориладиган майдонларни сув билан таъминлашдир.

1.2. Иқлимий шароитлар

Худуднинг иқлими кескин континентал йозда иссиқ ва қишда совуқ. Кўп йиллик давир ичида ҳавонинг уртача йиллик ҳарорати (+12,6 °C), энг совуқ ой январ (-1,1 °C), энг иссиқ ой июл (+25,8°C), максимум ҳарорат (+41°C), абсолют минимум (-28°C) ни ташқил этади. Ўзбекистонгарчиликнинг 80% дан ортиғи октябр май ойларига тўғри келади.

1.3. Гедрологик шароитлар

Эскиер сув омбори дарё узанидан ташкарида жойлашга, мавсумий бошқарилади. Сув омбори 1400 га ер майдонига сув етказиб бериш учун бериш учун хизмат қилади. Сув омбори Наманган сой дарёсидан келувчи канал оркали тулдирилади.

Сув омбори хавзаси жойлашган наманган адири Фаргона водийсининг Тубидаги Косон Тешқўрғон чуқурлигини ифодалайди. У оркали Тодшота дарёси утади. Тодшо ота дарёсининг заркент кишлоғи олдида текисликка чиқади ва бир нечта алохида узанларга куйилади. Ходикент, Янги қўрғон кишлоқлари оркали оладиган энг катта узан Намангансой деб аталади. У тор водийси билан адирликни кесиб утиб, ундан наманган шаҳри юкорисидан чиқади ва сунгра, зич ирригация тармоғини кесиб, Сирдарё дарёсигача этиб боради. Намангансой дарёси тоғ олди текисликлари атрофидаги ер ости сувларини жадал сизиб чиқиши ҳисобига туйинади, Заркент гидроузлидан ходикент ташламаси канча Намангансойнинг юкори участкаси одатда курук бўлади. Намангансойнинг узанида сувни филтирацияга юқолишига йул куймаслик учун куйи ҳудудларга барча сув Тодшота дарёсидан таркатилади.

Янгиқўрғон кишлоғи олдида Намангансой дарёсининг кўп йиллик уртача оқими 31,5 млн м³ жумладан сув тошқини пайтида 13.2 млн м³ ни ташқил этади.

Сув омбори йил ичида сув сатҳини муҳум характеристикаларидан бири унинг экстремал қиймати ҳамда йил буйича сатҳининг ўзгаришидир. Сув сатҳини ўзгариш амплитураси йилдан йилга доимий бўлмайди ва кўп жиҳатдан улар сувнинг оз-кўплик жиҳатдан даражаси буйича аниқланади.

Сув омборининг сув ресурслари асосан вегитатсия даврида факат суғоришга фойдаланиладиган сув омборлари гуруҳига киради. Сув омборидаги сув сатҳини йил давомидаги ўзгаришга кишги, баҳорги-йозги тулдириш ва ёзги-кузги чиқаришдан иворат бир вегитатсийа даври белгиланади.

2. Техник-эксплуатация қисми

2.1. Эскиер сув омборидаги доир лойихавий малумотлар ва иншоотларнинг кискача тавсили

Эскиер сув омбори «Уздафсувлойиха» институтининг томонидан лойихаланган. Сув омбори икки навбатда қурилган: 1974-1975 йилларда 11 млн. м³ хажимдаги сув омбори қурилган, фойдаланишга 1976 йилда топширилган; 1976-1978 йилларда 18,5 млн м³ хажимдаги сув омбори қурилиши тугатилган. Фойдаланишга 1978 йилда топширилган. Сув омборидаги барча иншоотлар капиталлиги бўйича, III синфга киради. Худуднинг сейсмеклиги 9 балл.

Сув омборининг лойихавий параметрлари :

- нормал димланган сатҳ белгиси НДС=720,0 м;
- фойдаланилмайдиган хажм сатҳ белгиси ФХС=702,0 м;
- тулик хажми -17,5 млн м³;
- фойдали хажми -17,9 млн м³;
- фойдаланилмайдиган хажми -06 млн м³;
- ФХС га сув йузаси -0,35 км²;
- максимал сув чуқурлиги 23,00 м;
- уртача сув чуқурлиги 10,5 м;
- максимал кенглиги -2,25 км;
- уртача кенглиги -1,32;
- максимал узунлиги -1,23;
- сув омбори таркибига қуйидаги иншоот киради;
- тўғон;
- сув чиқаргич ;
- Наманган сойдан келувчи канал
- катта Наманган сойдан келувчи канал
- кетувчи канал
- паст босимли дамба.

2.1.1. Тўғон

Тўғон бир жинсли, маҳаллий кумок грундан бажарилган. Тўғоннинг максимал баландлиги 28 м, уртача 23м, унинг узунлиги ва тепасининг кенглиги мос равиш 1250 м ва 70 м . Тўғон тепасининг белгиси 722, 0 м тўғон юкори қиялик коэффицентлари 3,0, 4,0 ва 5,0 ва пастки -3,0 ва 3,5. Берма кенглиги 6,0.

Юкори калинлик қиялиги 0,2 м ли бетон билан мустаҳкамланган. Тўғоннинг қиялиги 2,5 м калинликда шагал кум билан копланган.

Деприцич эгри чизигини пасайтириш мақсадида тўғоннинг пастки қисмига дренаж лойихаланган. Дренаж конструкцияси сараланган кум ва калинлиги 1,0 шагалдан ташқил топган. 1,0 м ли икки катламли тесқари филтри ифодалайди. Тесқари филтр тўғон товонининг пастки қисми олдидаги трапесионал призмага таянади. Призма юкорисининг кенглиги 4,0 м баландлиги 3,0 м Дренаж суви калинлиги 1,0 м ли шагал орқали тўғон узунлиги буйича пастки белга урнатилган сув йигувчи калектор тупи калинлиги 1,0 м ли шагал бетон копланган. Коллектор тубининг кенглиги 1,0 м, қиялик коэффицентлари 2,0 йигувчи коллектор сувни кетувчи коллекторга ташлайди, у уз навбатида ГКС + 00 да кетувчи каналга утказади. Кетувчи коллектор тубининг кенглиги 0,5 м, қиялик коэффицентлари 2,0.

2.1.2. Сув чиқариш иншооти

Сув чиқариш иншооти кувурли, минирали тубда темирбетондан бажарилган. У тўғон танасида жойлашган. Ириш каллаги остонасининг белгиси 702,0 м . Сув чиқариш иншоотининг сув утказиш қобиляти $10 \text{ м}^3/\text{с}$.

Сув чиқариш иншооти кириш каллаги, босимли участка, минора ва босимсиз участкадан ташқилтопган.

Кириш каллаги узунлиги 16 м ли ва кенглиги 1,5 м ли шунгувчи деворли кутини ифодалайди. Деворлар йукори беиф томонга қараб каллак пелетаси остонасининг белгиси 707м белгигача шунгийди. Йон томонига шунгувчи деворлар баландлиги 5,5м тенг булган деворларга туташган.

Шунгувчи деворларнинг ўлчамлари 100 100 10мм ли бурчакликлар урнатилган, уларга хар-бирининг ўлчами 2,8 1,0м булган 10та сексийадан ташқил топган сувга сузиб йурувчи жисмларни ушлайдиган панжара урнатилади.

Босимли деворга туташадиган босимли участка ўлчамлари 1,5х2,0м ва узунлиги 35м булган бир кузли босимли кувурдан ташқил топган.

Минора баландлиги 17,3м у темирбетодан бажарилган булиб , босимли темирбетон кувургатушади. Минора планда ўлчамлари 6,0х9,0ни булган тўғри бурчакли шаклдаги массив темир бетон пойдевордан ташқил топган. Минора биноси тубининг белгиси 702.0м. Минора узунлиги 9,0м. Миноранинг пастки кисмида затворлар жойлаштирилган. Иккала затворлар сирпанувчан. Затворлар йук кутариш кобилйати 20т булган электр узатмали кутариш механизимлари оркали бошқарилади. Механик курулмаларни мантаж ва тамирлаш ишлари учун минорада йук кутариш кобилйати 2т ва баландлиги 18м булган электр тал урнатилган.Тал хизмат хонасида бинонинг уки буйлаб харакат қилади.Минорадаги хизмат хонаси тўғон тепаси билан узунлиги 13м ва кенглиги 2м ли метал кўприк йордамида туташтириллади.

Босимсиз кувур минорага туташади, у ўлчамлари 1,5х 2,0м ли бир кузли темирбетондан бажарилган. Босимсиз кувур узунлиги 130м, хар бир сессийа узунлиги 10м. Кувур нисноблиги 0 ,015.

2.1.3.Намангансойдан келувчи канал бетон

Намангансойдан келувчи канал сувни сув омборига узатади. Каналнинг бош кисмида сув утказиш кобилйати 3м³/с булган сув олиш иншооти урнатилган, у ўлчамлари 2,0 х 2,0м ва узунлиги 8,0м ли йигма кувурлардан бажарилган. Каналнинг сув утказиш кобилйати 1,0 м³/с ,узунлиги 2,1км.

2.1.4. Катта Наманган каналидан келувчи канал

Катта Наманган каналидан келувчи канал сув омборига сувни Хамза насос стансийаси йордамида узатади. Унинг узунлиги 2,1 км тубининг кенглиги 1,0 м, чуқурлиги 1,0 м, сув утказиш қобилияти $3,0 \text{ м}^3/\text{с}$ канал бетон коплама билан мустаҳкамланган.

2.1.5. Кетувчи канал

Кетувчи канал сув чиқариш иншооти билан туташтирувчи участка трепессийа шаклидаги сув урулма кудукни ифодалайди. Унинг туби кенглиги 1,5 м кийалик коэффициентлари 1,5 чуқурлиги 1,5 м кетувчи канал узунлиги 1562 м, калинлиги 15 см ли бетон билан копланган канал тубининг кенглиги 1,0 м кийалик коэффициентлари 1,5 чуқурлиги 1,5 м сув утказиш қобилияти

2.1.6. Паст босимли дамба

Паст босимли дамба сув омбори йонидаги кабрисонни сув босиши олдини олиш мақсадида қурилган. Дамбанинг баландлиги 3,0 м узунлиги 111 м, тепасининг кенглиги 4,0 м. Кийаликларда калинлиги 1,5 м ли шагал-кум аралашмаси тушалган. Дамба тепасининг белгиси 722,0 м. Кийалик коэффициентлари: йуқори-4,0 пастки-3,0

2.5.1. Эксплуатация хизмати структураси ва эксплуатация

хизмати штати

Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2003 йил 23 йилда сув хўжалиги бошқаришни ташкиллаштириш тўғрисидаги 320-сонли қарори асосида сув хўжалигини бошқаришда мамурий-худудий принципдан хавза пиринсипига отилди. Шу қарор асосида Норин-Сирдарё ирригасияга тизимлари хавза бошқармаси ва унинг тасарруфида Подшоота-чодалк ирригасийа тизими бошқармаси ташқил етилди.

Битирув малакавий ишимизда қуриладган Эскиер сув омбори эксплуатасийа хизмати бошқарма бошлиги, бошликнинг биринчи уринбосари бошлик уринбосари сув ресурслари баланс ива гедрометрийа ирригасия тизимлари ва гедротехника иншоотларидан фойдаланиш тамирлаш ишларини ташқил етиш ва мониторинг транспорт-механизийаси ва таминот молийалаштириш ва иқтисодий тахлил ҳисоб-китоб секторлари ва

сув омбори эксплуатасийа хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади. Эскиер сув омбори эксплуатасийа хизмати структураси 2,4 расим ва эксплуатасийа хизмати штати 2,3-жадвалга келтирилган.

2.5.2. Эксплуатация хизмати ходимларнинг лавозимий мажбурятлари

Бошқарма бошлиги бошқарманинг мамурий, техник молийавий ва ишлаб чи қариш фаолийатига рахбарлик қилади. Бошқарма буйича бажарилган ишларнинг мутаносиблигини назорат қилади. Сув ресурсларидан фойдаланишга иншоотлар фаолийатини назорат қилади. Иншоотларда сувни йигиш ва утказиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажарилишини назорат қилади. Сел тошқини даврида фафкулотдаги вазийатларнинг олдини олиш учун барча техник ва ишчи курулмаларни керакли мақсадга жалп қилади. Барча турдаги кўрсатмаларни расмийлаштиради, конун талаблари асосида тула амал қилиниши тaминлайди. Гeдротехника иншоотларидан фойдаланиш тамирлаш ва қурилиш ишлари ҳамда захира материалларини тамирлашда таминои ишлани назорат қилади.

Бошликнинг биринчи уринбосари марказий деспетчерлик булимий сув ресурслари баланси ва гeдрометрйа ҳамда гeдротехника иншоотлари устидан назорат қилади, тегишли ташқилот томонидан урнатилган сув лемитини истемолчига йетказилишни йетказиб берилган сув ресурсларни аниқ ҳисоб китобини олиб борилишни назорат қилади, ва фойдаланиш тезкорлигини оширади. Бошқарма тасарруфидаги иншоотларга зарар йетказувчи барча ҳолатларни олдини олади. Сув ресурслардан оқилона фойдаланиш истемолчиларга сувни таксимлаш учун таклифлар беради.

Бошлик уринбосари иншоотнинг техник ҳолатини назорат қилади. Аниқланган камчиликларни уз навбатида бартараф қилиш буйича тезкор тадбирларни белгилайди. Қурулиш-тамирлаш ишлари учун камчиликлар далолатномаси бажарилган ишлар учун ижро ҳужжатларини тасдиқлашга иштирок этади. Иш сифати ҳажми амалга ва ҳужжатларда иутаносиблигини

таминлайди. Лойиха хужжатларини таййорлаш куллаш ва уларни сакланиш учун жавобгардир. Курилиш-тамирлаш ишларини ташқил этиш режалаштириш тезкор режа тузиш капитал куйиб булардан оқилона фойдаланиш ва уларни самарадорлигини ошириш ишлаб чиқариш кувватлари ва асосий фондларни уз вақтида ишга тушурилишини таминлашни ташқил этади.

Сув ресурслари баланс ва гедрометрия хизмати сектори бошлиги иншоотлар буйича сув йиғиш чиқариш ва утказишнинг усуви ва даври учун жадвал тузади. Сувнинг олди бердиси буйича йиллик ҳисобот таййорлайди уз вақтида топширилишни таминлайди. Участкаларда сув улчаш иншоотларнинг техник ҳолати тўғрисида ҳар йилда бир марта текшириш утказди, нуқсонларни бартараф этилишини таминлайди. (Сув улчаш пастлари). Камчиликлар тўғрисида раҳбариятга таклифлар кийритади. Йиллик кадастр ва техник ҳисоботларни қабул қилади ва йукори ташкилотларга уз вақтида топширилишини таминлайди. Ирригация тизимлари ва гедротехника иншоотлардан фойдаланиш сектори бош мутаххасис сув ресурсларини бошқариш ва фойдаланишни тартибга солиш буйича йагона сийосатни утказишда актив катнашади. Бошқарма балансидаги мавжуд гедротехника иншоотлари ҳолатини мунтазам назорат қилиш ишончли фойдаланиш уларни ишчи ҳолатда сакланишни таминлашда иштирок этади. Бошқарма балансидаги гедротехника иншоотларини техник ҳолати, инвестиция қилиш, уларни тамирлаш буйича дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни катнашиш ҳамда назорат қилиш ишларини олиб боради. Бошқарма балансидаги мавжуд гедротехника иншоотларининг ҳолатидан келиб чиқиб уларни тамирлаш ва реконструкция қилиш буйича таклиф кийритади ҳамда лойиха топшириқларини тайёрлайди ва лойиха ишларини бажарилишини назорат қилиб боради.

Таъмирлаш ишларини ташқил этиш ва мониторинг сектори бошлиги бошқарма тасарруфидаги иншоотларда курилиш-таъмирлаш ишлари буйича ойлик, чорақлик ва йиллик ҳисоботларни тайёрлайди ва Норин-Сирдарё

ирригация тизимлари хавза бошқармасига топширади. Иншоотларнинг техник ҳолатини равишда назорат қилади, камчиликларини аниқлаб далолатномалар таййорлаш ва семета тузиш пудратчи ва бйуртмачи ташкилотлар билан шартномалар тузишни расмий иштирок этади. Курилиш матириалларига булган ехтийожни асослаш учун хужжатларни таййорлайди таминотчи ташкилотга такдим этади. Материаллар ҳисоботини курулиш материаллари чикими буйича (Ф-29)ни назорат қилади.

Марказий деспетчерлик хизмати бошлиги бошқарма мамурийати томонидан бажарилган топширикларни хабарномаларни тегишли ташкилотлар участкаларга йетказиш буйича масул ҳисобланади. Йукори ташкилотлардан келадиган хабарномаларни руйхатга олиш тегишли ходимларга йетказилмш ва уз вактида бажарилишини назорат қилади. Сел тошқин даврида деспетчерлик хизматининг тармок ходимлари фаолийатини муофиклаштириш бевоста рахбарлик қилади. Бошқармага йукори ташкилотлардан бериладиган бирламчи ва иккиламчи сув истемолчиларининг ишини ташқил қилиш ишларига бевосита иштирок этади. Шу тўғрида тегишли ҳисобот ва малумотлар таййорлайди.

Транспорт, механизация ва таъминот сектори бош мутахассиси ташкилотга мавжуд механизмлар, гедротехник курилмаларни соз ҳолатда ишлашини таъминлаш назорат қилади, ёқилги мойлаш материаллари, эхтиёт кисмлар билан таъминлаш , улардан белгиланган миёр асосида фойдаланиш учун жавобгардир. Механизмларнинг обектлар буйича жойлашуви, бажарган ишнинг хажми тўғрисида кунлик маълумотларни тайёрлайди. Хўжалик ҳисобидаги ва иқтисодий тахлил сектори бошлиги сув хўжалиги тузилишни ривожлантириш, иқтисодий тахлил ва ҳисоб китоб ишларига ягона сиёсатни олиб боради. Бошқарма ташкилот ихтиёрида булган мол-мулк ва маблағларнинг сакланишини таъминловчи хўжаликда мол-мулкнинг юколишига карши курашувчи тадбирларни такдим қилади. Бошқарманинг бюджет фаолияти буйича иқтисодий, молиявий ва ҳисоб-китоб ишларига катий тартибга асосланган бошқарувни амалга оширади. Ташкилотларга

берилаётган бюджет маблағларнинг тежамли, режали ва факат чоралар куради ва назорат қилади.

Ҳисоб китоб сектор бошлиги бошқарманинг молиявий-хўжалик, иқтисодий фаолиятининг конуний бажарилишига риоя қилади. Кунлик бухгалтерия ҳисоботининг, натурал тушум ва чиқимни ҳисобга олиб боради. Хар ойнинг охирида материал жавобгар шахслардан ҳисоботларни қабул қилади. Бошлик тасдиқлангандан кейин ҳисоботга утказадию Бошқарманинг тасдиқланган йиллик сметаси иш режими тулик бажарилиши учун жавоб беради, уларни хар ойда тахлилини юритади. Ташкилотлар уртасида дебиторлик ва киридеторлик ҳолатларга йул куймайди, ходимларнинг ойлик иш ҳаклари уз вақтида берилишини таъминлайди, расмийлаштиради бажарилишини назорат қилади. Сакланиш учун жавоб беради. Белгиланган тартибда барча моддий қийматларни санокдан утказиб турилишини ва аниқланган камчиликларни тугатилишини таъминлайди.

Сув омбори бошлиги сув омборида барча иншоотларнинг конструкцияси ва техник ҳолатини яхшилаш тадбирларни мунтазам амалга оширади. Урнатилган режим буйича сув омборига сув туплаш ва чиқаришга раҳбарлик қилади, барча иншоотларнинг тўғри ишлаши устидан назорат қилади. Камчиликлар далолатномаси, таъмирлаш ва лойиха ҳамда смета хужжатларни бажарилишини буйича каледор график тузишда катнашади. Йиллик техник ҳисоботларни тузади. Материаллар, ускуналар, уй жойлардан урнатилган тартибда фойдаланади ва саклайди. Ёритиш ва алоқа тизимини мунтазам ишлашини таъминлайди. Фавкулотда вазиятларда иншоот иш режимини ўзгартиради, ишчи кучи ва воситаларни сафарбар этилишини

Тўғоннинг техник ҳолатини кузатувчи мухандис сув омборини тулдириш, бушатиш билан боғлиқ барча ишларга раҳбарлик қилади. Авария-тиклаш ишларини ташқил этади.

Урнатилган режа асосида сув омбори ишлашини таъминлайди, журналларда расмийлаштиради, ҳисобот юритади. Каналлар буйича сув сарфини мувофиқлаштириш, сув омборидаги сув сатҳини сув чиқариш

иншоот иш фаолиятини бошқариш коидаларини билиш шарт. Сув келтирувчи канал ва ундаги иншоотларнинг, тўғондаги гренажларнинг сув улчаш асбоблари воситаларни ахволини ҳамда иншоотларга ҳафли таъсир этувчи жойларни урганади, бартараф этиш чораларни куради. Сув омбори режимини даврий балансини тузади. Авария содир бўлганда сув омбори режимини тезкор ўзгартиради, авария тиклаш ишларини ташқиллаштиради. Пезометрлар иш режимини кузатади, олинган маълумотларга асосан график тузади, уларни таҳлил қилиб боради.

Мухандис гидротехник сув омборида фойдаланишда барча сув улчаш ва сув ҳисоби ишлари ишлари учун жавобгар шахсдир. Мухандис гидротехник гидростларнинг курилиш ва таъмирлаш ишларига раҳбарлик қилади . Ҳамда бажарилган ишларни сифатини текширади. Улчанган сув сарфи ҳақида ахборот ва маълумотларни белгиланган муддатга расмийлаштирилган шакллари бўйича топширади. Истимолчиларга бериладиган сув сарфи ва уни мақсадли фойдаланилишни текшириб туради. Мухандис диспечер бошқармадан алоқа воситалари орқали бериладиган маълумотларни топшириқларни қабул қилади ва тегишли ходимларга етказди. Иншоот иш режимини таъминлайди. Ҳавкулот вазият содир бўлганда Тодшоота-чодалк бошқармаси туман сув хўжалиги раҳбарларини хабардор қилади. Иншоотларда содир бўлаётган барча жараёнлар тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиш шарт. Алоқа воситалардан фойдаланишни билиш маълумотларни журналларга кайд этиб бориши шарт.

2.6. Эскиер сув омбори эксплуатация хизматининг асосий вазифалари .

Эскиер сув омбори эксплуатация хизматининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат.

1. Сув омбори ва ундаги гидротехник қурилмалар, усқуналар, сув улчаш қурилмалар, назорат улчаш асбоблари ёрдамчи ишлаб чиқариш бинолари, ер

казиш техникаси машина ва механизмларни беҳато ишлашини ҳамда уларни техник ҳолатини таъминлаш.

2. Сув омборидан режага асосан сув олиш ва белгиланган муддатларда истимолчига етказиб, бериш. Шу мақсадда фойдаланиш режасини тузиш , уни бажаришини таъминлаш иншоотларни техник курилмаларни ҳар кун беҳато бошқариш.

3. Гидро узил барча иншоотларни ва уларни гидромеханик курилмалар ва ускуналар, сув улчаш курилмаларни , алоқа воситалари, назорат улчаш йулларни техник ҳолатини куз билан кузатиб чиқиш ҳамда уларга техник каровни ошириш .

4. Гидротехника иншоотлари ҳавфсизлиги тўғрисидаги қонун , ишлатиш қоидалари меърий ҳужжатлар, кўрсатмалар низомига мувофиқ назорат улчаш асбоблари ёрдамида гидроузел иншоотларини техник ҳолатини кузатиш ва ушбу маълумотлар уз вақтида қайта ишлаш ва натижаларни умумлаштириш .

5. Сув омбори иншоотлари ва курилмаларни бузилиш, шикастланиш, ва инидан чиқиш ҳолатларини уз вақтида аниқлаш лозим бўлса уларни техник ҳолатини қайта тиклаш ва янада яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

6. Сув омборида ишлаб чиқариш тадқиқотларни , махсус кузатишларни утказиш, иложи борича уларни ҳажмини камайтириш чора тадбирларни амалга ошириш.

7. Таъмирлаш-қайта тиклаш ишларини уз вақтида сифатли қилиб амалга оширишни таъминлаш.

8. Гидроузел иншоотларни ишлатиш бўйича техник ҳужжатларни юритиш, қўндалик , ҳа рун қўнлик , ойлик, чораклик, ярим йиллик, йиллик ҳисоботларни тузиш .

9. Гидротехника иншоотларнинг ҳолатсизлик декларациясини тузиш ва белгиланган таркибда назорат органига тақдим этиш.

10. Сув омборининг асосий ва ёрдамчи иншоотларни куруклаш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш , меҳнат муҳофазаси коидаларни бажарилишини таъминлаш.

2.7. Сув омборини эксплуатация қилишда назорат-текширув тизимлари.

Сув омбори техник ҳолатини назорат қилиш ишларини тайёрлаш ва паспортлаш кузатувларни олиб боришдан иборат. У куз билан назорат-улчаш асбоблари ва махсус кузатувларини уз ичига олади.

Маълумоти I II III – синфдаги сув омбори гидротехника иншоотларида одатда амалётдаги тадқиқотлар олиб бориш учун назорат –улчаши асбоблари билан жихозланади. Сув омбори иншоотларни назорат улчаш асбоблари ёрдамида кузатувлар узига хос шароитлар булганда мумкин. Эксплуатацияга топширилган сув омбори иншоотларини иш ҳолатини текшириш ва кузатиш ишларини ташкил этилиш жавобгарлиги гидро узел эксплуатация хизмати ходимларга юкланади.

Сув омбори ишининг назорати асосий иншоотларини куз билан назорат улчаш асбоблари кўрсаткичларини кайта ишлаш гидроузел иншоотлари ишлаши тўғрисидаги хулосаларни таҳлил қилиниши асосида ҳар йили гидроузел ишини яхшилаш , таъмирлаш тиклаш ишлари ва керак булса кайта куришни бажариш тўғрисида чора тадбирлар режасини ишлаб чиқади. Бу режаларни урнатилган тартибда хавза бошқармаси ёки юкорирок ташкилоти масалан , Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасдиқлайди.

Хавза бошқармалари уз худуди тасаруффидаги сув хўжалиги ташкилотлари фаолиятини муофיקлаштиради, хавза бошқармасига магистрал каналлар ва ирригация бошқармалари буй сунади.

Эксплуатация бошқармалари буюртмаларини бажарувчи лойихачининг мажбурятларига куйидагилар киради. Сув омборига авария ҳолатларини бартараф этиш учун лойиха ва чора тадбирларни ташкиллаштиради, сув омбори таркибидаги иншоотларни таъмирлаш ва

кайта куриш лойихасини ва қўшимча назорат-улчаш асбобларининг урнатилиши ва жойлаштирилиш лойихасини ҳамда назорат улчаш асбобларини кайта тиклаш лойихасини ишлаб чиқиши, назорат-улчаш асбобларининг ишлаши тўғрисида дастурини ишлаб чиқиш, зарурий ҳолатларда гидроузел ва унинг таркибидаги иншоотлар ҳолатини урганиш ва ишни кузатиш натижаларини таҳлил қилишда катнашиш жойлаштирилган назорат улчаш асбоблари ва таъмирланган ҳамда кайта курилган иншоотларни паспортларини тузиш.

Эксплуатация хизмати тузадиган ҳар йиллик календар режалари асосида сув омбори таркибидаги иншоотлар устидан кузатув ишларининг турлари ва уларнинг такрорланиш даврлари аниқланади. Сув омбори эксплуатацияси бошланган кундан иншоотлар ва уларнинг элементлари мустаҳкамлиги ва устуворлигини аниқловчи кузатувлар олиб борилади.

Келажакда эксплуатациянинг биринчи ва иккинчи йиллари давомида кузатувлар махсус календар режа асосида бажарилиши 2.4. жадвалда киритилган муддатларга мувофиқ такрорланиб утказилиши зарур.

2.8. Сув омбори иншоотларининг техник ҳолатини кузатиш.

2.8.1. Куз билан кузатиш.

Иншоотларни ишлаши тўғрисида куз билан кузатувлар дастлабки таҳлил ва тассурот олиш имкониятини яратади, Шу сабабли амалиёт текширувларининг таркибий қисми булиб барча маъсулятидаги иншоотларда утказилади . Улар асосида кейинги инструментлар текширувлар таркиби белгиланади. Куз билан кузатувлар шу мақсадга мофик тузилган чиқиш йули билан бажарилади. Аниқланган дефектлар , миёрий ҳолатдан кузатиш ишларини одатда техник-гидротехник кузатувчилар ёки махсус уқитилган йул-ёрик кузатилган тажрибали хизматчилар олиб боради. Куз билан кузатув ишларини натижаларини назоратчи имзолайди, чунки лавозимга кириш пайтида иншоотнинг ҳақиқий ҳолатини далолатномада кўрсатиб қабул қилади. Назоратчи иншоот элементларидаги аниқланган

шкастланишлар ва миёрий ҳолатдаги иншоот элементларининг четга чиқишлари тўғрисида маълумотларни кечиктирмасдан эксплуатация хизматининг раҳбарига хабар қилади.

Грунтли иншоотларни кузатиш шартли равишда коплама ва мустаҳкамловчи қисмлар ҳолатидаги бузулишларни кузатиш, иншоот ва унинг заминидан киргоқларга туташ участкаларидан сувни сезиб утиш кузатишларига бўлинади. Грунтли иншоотларнинг бузулишларини кузатиш жараёнида унинг умумий (юрилиш, чуқиш, упирилиш, ёрилиш, грунт масаласининг силжиши ва шунга ухшашлар) ҳолати ва маҳаллий бузулишларга аҳамият беради.

Юқори қиялик копламаларининг ҳолати, тошлар орасидаги оралик ва бошлиқлар, чокларнинг очилиши, плеталарнинг силжиши ва шунга ухшашлар бўйича аниқланади.

Кузатув ва тадқиқотларни олиб боришда фойдаланадиган назорат-улчаш асбоблари пекетлар, створ ва бошқа назорат белгилари , дренаж сувлари окизиб юбориладиган каналчалар , киргоқлар, сув омбори жойлашган ҳудуддаги жарликлар ҳолатини куриб чиқиш ҳам муҳимдир. Бази ҳолатларда бундай жойларда филтрация окимининг келтириб чиқарадиган , кутулмаган жараёнларга дуч келиши мумкин.

Кузатув пайтида қуйидагиларга амал қилиш керак: тулкинлар ва филтрация окими, сув сатҳини тебраниш таъсирида бетон ва темир бетон элементларининг копламаларидан ва чокларидан қоришмани ёки грунтларни ювиб чиқиш ҳолатига филтрация сувлари ҳаракатидан копламалар остида ювилиш чуқурликларини пайдо бўлиш эҳтимолига деформацияларига айрим коплама плиталарини бир –бирига нисбатан горизонта лёки виртикал силжиши эҳтимолига плиталарнинг мустаҳкамланиши ҳолатига.

2.9. Сув омбори иншоотларида таъмирлаш-кайта тиклаш ишларини ташқил этиш

Эскиер сув омбори иншоотларида таъмирлаш-кайта тиклаш ишларини амалга ошириш 2.6. расмда келтирилган схема буйича амалга оширилади.

Эксплуатация ташқилотлари иншоотлар бефларида чукиндилярга карши курашиш , сувни сингиб кетишини олдини олиш мақсадида кайта кури шва иншоотларни охиригача жихозлаш, янги деспечирлик тизими ва компютерлашган бошқарувни жорий қилиш сингари ишларни хар йили келажакдаги режасини тузуб вазирликдан тасдиклатиб, уларга ўзгартиришлар киритиб боради. Бундай ишларни бажариш техник лойихалар, чизмалар асосида капитал таъмирлашни охиригача лойихалаш кайта куриш замонавийлаштириш сарф харажатлари билан копланеди.

Маблағлаштириш нуктаи-назардан имконият тугилганда келажакдаги режага бази-бир ишлар жорий йил режасига киритилиб борилади. Бундан ташқари кузатиш ва улчашларни иншоотларни курикдан утказиш натижалари кадастр маълумотлари асосида таъмирлаш ишларининг хажми ва қиймати буйича 10% дан катта капитал турларга ажратилиб , жорий йил режаси тузилади ва вазирликдан тасдиклатиб олинади.

Жорий таъмирлаш доимий равишда олиб борилади. Иншоотларда хосил булган ёрикларни ямаш иншоот жихоз ва курилмаларининг бузулган қисмларини уз вақтида буяб туриш сингари ишлар жорий таъмирлаш ишларига киради. Бунинг учун иншоотлар ихтиёрида хар йил буёклар, мойлар метал захиралари , семент, кум шагал каби махсулотларни захиралари мавжуд булиши керак. Уларнинг миқдори миёрлар буйича урнатилади.

Капитал таъмирлаш хар 8-10 йилда бир марта утказилади. Бундай таъмирлаш иншоотларнинг бузулган қисмлари бошқатдан курилади ва тикланади.

Авария –таъмирлаш ишлари режалаштирилмайди, аммо бундай ҳолат вужудга келганда авария тиклаш ишлари олдиндан тайёрланиб куйилган

авария захираси ёрдамида эксплуатация хизматининг ишчи ходимлари ва механизмлари ва техникаси жалб қилиниб киска муддат ичида бажарилади. Бажарилган авария тиклаш ишлари туман хокимиятлари тузган сел ва тошқин комиссияси ҳисоботида келтирилиб, комиссияни далолатномаси билан қабул қилинади.

3. Гидротехника иншоотларини таъмирлаш ва қайта ишлашда меҳнат муҳофазаси.

3.1. Умумий талаблар

Ишлаб чиқариш вақтида ишчи ва ходимлар саломатлигини сақлаш уларнинг меҳнатини тулик муҳофаза қилиш давлатимизнинг устувор вазифаларидан биридир. Бу Республикаимизнинг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун (1993 йил 6-май) да аксини топган бўлиб, унда қуйидагилар алоҳида таъкидланади.

-корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёт ива соғлиги устуворлиги.

- меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини иқтисодий сиёсатнинг бўлишига ёндашишлари билан мувофик текшириб бориш.

- мулк ва хўжалик юритиш шаклидан катий назар барча корхоналар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона тартиб қоидаларни белгилаб қўйиш.

-тегишли ёритилган жихозлари билан таъмирлаш.

-тегишли назорат асбоблари, ишончли тормоз қурилмалари, сигнализация тизими бўлиши ва бошқалар бўлиши керак.

-корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини ҳамма жойда бажарилишини назорат қилиш ва шу қабилар.

Шунингдек машина механизмларининг айрим қисмларига ҳам алоҳида техник талаблар қўйилади.

Гидротехника иншоотларини эксплуатация қилишда уларни таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларида хавфсизликни таъминлаш асосан куйидаги тартиблар ёрдамида амалга оширилади.

- техникаларни хавфсизлик талаблари асосида лойихалаш ва тайёрлаш.

- ҳафдан химоялашнинг муҳандис техник воситаларидан фойдаланиш.

- хавфсиз технологик жараёнларни тадбир этиш.

- иншоотларни хавфсизлик техникаси бўйича малакавий уқитиш.

- хавфсиз иш шароити иш жойини ташқиллаштириш.

Юқорида таъкидланган тартиблар амалда биргаликда қўлланганда ижобий натижага эришилади.

Қурилиш техникаси ва олиб борилган таъмирлаш ва тиклаш ишларига техника бўйича инструкциядан ўтган махсус ҳужжатга эга ва 18 ёшга етган, фуқарога рухсат этилади. Ишчи ва хизматчилар хавфсизликни таъминловчи махсус кийим –кечаклар билан таъминланган бўлиши керак.

Таъминлаш ва тиклаш ишлари олиб борилаётганда объектга кийим ва дори-дармонларни сақлаш учун махсус хоналар ёки вагончалар , тоза ичимлик суви сақланадиган идишлар бўлиши керак. Тозаликка салбий таъсир этувчи ускуналар билан ишловчилар вақти-вақти билан тиббий куриқдан ўтказилиб турилади.

3.2. Бетон ва мантаж ишларини олиб боришда хавфсизлик техникасининг асосий қоидалари.

Бетон ва мантаж ишлари мураккаб технологик жараёнлардан иборат. Бетон ишлари қолипларини мантаж қилишдан , арматураларини мантаж қилиш ва жойлаштиришдан иборат. Бетон етарлича мустаҳкамликга эга бўлгач , қолиплар олинади. Бундан ташқари шу таъсирга бўлган

элементларнинг юза қисми гидроизоляция қилинади. Бу операцияларни бажаришда меҳнат хавфсизлиги талабига риоя қилинади.

Бетонлаш жараёнида колиплар бирмунча ката зуриқишларни қабул қилади, Шу сабабли улар мустаҳкам урнатилиш етарлича таянч ва тиргакларга эга бўлиши керак.

Арматура маҳсулотлари махсус жихозланган жойда тайёрланаши керак. Пайвандчилар махсус кийимлар ва кузойнаклар билан таъминланган бўлиши керак. Арматура тайёрлашда электр токи билан хавфсизлик талаблари асосида иш олиб борилади. Тайёр арматура маҳсулотлари махсус жойга йигиб қуйилиши шарт.

Бетон коришмани зичлаштиришда тебраткичларнинг электр кабели бетон тебраткични бир конструкциядан иккинчисига утказганда эса, улар электр токидан очирилиши керак. Тебраткичнинг инсон соғлигига таъсири катта. Шу сабабли у билан ишловчилар ҳар соатда 10-15 минут дам олишади. Санитар ва миёрлар буйича 18 ёшга етмаган юрак қон томир касаллиги бўлган ишчиларга тебраткичлар билан ишлашига рухсат этилмайди.

Монтаж ишларини олиб боришда автокран ишлатилади. Кран паспортига кўрсатилган юқори ортикча юқни қутармаслиги керак. Крантаянчлари қатлавлон қазилмаси четидан камида 1 метр масофада жойлашиши шарт. Кран стреласи тагида факат каска билан ишлашга рухсат этилади.

3.3. Ер ишларини бажаришда хавфсизлик техникасининг асосий талаблари

Иншоотни таъмирлаш жараёнида қурилиш майдончасини текислаш ва қайта тиклаш ва асосий ер ишлари бажарилади. Бу ишларни бажаришда экскаватор, булдозер автосамас валлар ишлатилади. Ер ишларини факат бузилмаган, 10 г машиналар билан олиб боришга рухсат этилади. Машиналарнинг тормози ёритувчи ва сигнал берувчикисмлари қамчиликсиз

ишлашлари шарт. Ёқилги баклари ва иситувчи мосламалари ёнгин учирувчи мосламалар билан таъминланиши зарур.

Экскаватор ишлаётган пайтда унинг максимал ҳолатини радиусига 15 м доира чегарасида химоя воситаларисиз кириш мумкин эмас. Экскаватор тупрокни автосамос валга юклашаётганда, хайдовчи кабинадан чиқиб хавфсиз мусобака тушиши лозим. Экскаваторнинг айланувчи қисмлари махсус копланалар ёки панжаралар билан химояланган бўлиши керак.

Булдозер котловон четида ишлаётганида унинг курагини котловоннинг қиялик қиррасидан утмаслиги шарт. Акс ҳолда булдозер агнаб кетиши мумкин. Экскаватор ва булдозер биргаликда ишлаган ҳолатларда, булдозер экскаваторнинг таъсир зонасидан ташқарида ишлаши лозим. Фақат экскаваторнинг чумичи ерга тушгандагина, булдозер экскаватор яқинида ишлаши мумкин.

4. Сув омборларидан фойдаланишда атроф-муҳитни муҳофазаси.

Республика Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафолатлари асарида мамлакатимиздаги экологик муаммоларни чуқур таҳлил қилган ҳолда экологик ҳолатни яхшилаш борасида Ўзбекистон мелиораторлари олдида турган вазифаларини алоҳида кўрсатиб утдилар. Асарда «Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги нуқтаи назардан қараганда сув захираларини шу жумладан ер ости ва ер усти сувларининг кескин таҳчиллиги ҳамда ифлосланиши катта ташвиш тугдирмокда» деб такидланган эди. Президентимизнинг ушбу асарида суғориш тармоқларининг режали ва ўлчамларини суғориш техникаси билан мустаҳкам боғлаш, коллектор – зовур сувларни ташлаб юборишни тартибга солиш оқова сувларни дарё ва сув омборларига оқизишни ботомом тухтатиш сувни муҳофаза қилишнинг асосий тадбирлари бўлиши лозимлиги ҳақида ушбу асарда алоҳида эътибор қаратилган.

Президент Ислом Каримовнинг сай ҳаракатлари туфайли жаҳон халклари ва ривожланган давлатларнинг эътибори орол денгизи ва орол буйи ҳудудлари муаммоларга қаратилмокда. Юртбошимизнинг марказий осие минтакасидаги экологик ҳолатни яхшилашга доир ташаббуслари кўплаб давлатлар ва халқлар, ташкилотлар томонидан қўллаб қувватланмокда, улар томонидан амалий ёрдам кўрсатилмокда.

Сув омборининг халқ хўжалигида тутган урни бекиёсдир. Шу билан бир қаторда сув омборларини бунёд этиш жуда катта ҳудуд бўйлаб инсонни табиий жараёнларга ута чуқур аралашувга мисол булади.

Бу албатта биринчи навбатда сув омборлари бир томондан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш унинг сувга , озик овқатга , дам олишга бўлган ихтиёжини кондиритиш сув босити тошқинга , сел келишга қарши қураш бўйича ижобий хизмат қилса, иккинчи томондан эса, шунингдек табиатга тўғоннинг юқори ва пастки қисмлардаги дарё водийсида жойлашган хўжаликларга салбий таъсир кўрсатитиши билан баҳоланади.

Сув омборлари тулдирилганда катта – катта майдонлар сув остида қолади. Сув омборининг сатҳи сув юзасини уртача 85-95 % ни сув остида қолган майдонга тўғри келади. Сув омборларидан сув билан тулдирилгандан кейин эса ер ости ва ер сув сатҳи қутарилади ва ер ости сувларини ер юзасига яқинлашитиш зонаси катта ҳудудни эгаллаши ва бу юза бир неча километргача қузилиб қетитиши мумкин. Натижада эса ерларнинг ботқоқланиши , шурланиши, сойнинг санитария ҳолати ёмонлашувчи ва шу қабилар қузатилади.

Сув омборидан фойдаланиш давомида сув омборларидан сув сатҳини тез-тез ўзгариб қуриши шақол таъсирида тулқин ҳосил бўлити киргоқ ёнидаги оқим киргоқларини ювилити ва уқиритиб қетитишга олиб қелитиши мумкин. Бу жараён анчагина фаол ва узок давом этади. Хатто бир неча 10 йилгача қузилиши мумкин. Натижада киргоқларнинг унлаб базан юз метрлаб масофага ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун сув омборларини лойқа бўлити натижасида унинг ҳажми ва юза майдони ўзгариши қуё беради.

Сув омборларини барпо этиш кўп сонли аҳолини ва халқ хўжалиги нинг турли хил объектларини кучириш заруриятини келтириб чикаради.

Сув омборларининг сув сатҳи юзаси остида, сиртга тегиш зонаси ва киргокларни қайта шаклланиши таъсир зонасида турк халқ хўжалиги объектлари, масалан темир йуллар, автомобил юллар электр узатиш лениялари ва бошқа кўпгина иншоотлар қолиб келиши мумкин.

Аҳолини ва объектларни кучириш янги жойда уларни қуриш катта миқдордаги сарф харажатларни талаб этади ва бу харажатлар авалги ҳолатгача тиклаш тамойили асосида аниқланади. Масалан шу пастгача қурилган сув омборлари учун бу маблағлар миқдори гидроузел қурилиши умумий сарфларини 18% дан кам бўлмаган миқдорини ташқил этади.

Сув омбори қурилгандан сунг ҳосил бўлган юза ва унгача бўлган юзадаги фарқ ҳисобига бўлган бўгланиш туфайли сезиларли даражада сув юкотиладива бу қайтмас сув истимоли умумий хажмда айрим ҳудудлар учу нута аҳамиятлидир.

Бундан ташқари сув омборларида киргоклар ва улар орқали бўладиган филтрация ҳисобига сув исроф бўлади. Унинг миқдори гидрогеологик шароитдан қилиб қилиб , сув омбортдаги сувнинг умумий хажмини 12% дан 36% гача ташқил этиш мумкин.

Кўп йиллик тадқиқотлар ва кузатувлар шуни қўрсатадики, сув омборлари иқлим шарт-шароитларини тубдан ўзгартирувчи омил ҳисобланади. Шу билан бир қаторда сув омборлари маҳаллий метаморфологик режимга сезиларли равишда ўзгаришлар қиритиши мумкин.

Сув омборларини барпо этиш тупроқ усимликлар ва ҳайвонот оламига сезиларли таъсир қўрсатади. Ҳудудни доимий ва чуқур сув остида усимликларни батамом йуқ бўлишига олиб келади. Сув омборлари киргокларида қамишзорлар юзага келади. Ер юзасига ер ости сувларининг яқин қилиши натижасида дарахтлар қуриб қолади ва ерни шурланиш ҳафи пайдо бўлади.

Сув омборлари хайвонот оламида ҳам кучли таъсир кўрсатади, намликнинг ўзгариб турувчи режими кўпинча хайвонларни кирилиб кетишига олиб келиши мумкин. Киргокларни ўзгартириб турувчи сув сатҳи барқарорлиги кўпинча хайвонларнинг оммавий кучишига сабаб бўлади.

Юқоридагилардан келиб чикиб , сув омборларини лойихалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш жараёнида уларни атроф муҳитга мумкин бўлган таъсирларни чуқур таҳлил қилиш ва урганиб чиқиш лозим. Проварт натижада, макбул ечим яъни табиатга энг минимал салбий таъсир келтираётган зарарни бартараф этиш талаб этилади.

Хулосалар ва тавсиялар.

Хулосалар

1. Битирув малакавий ишимизда танланган «Наманган вилоятда жойлашган Эскиер сув омборидан фойдаланишни асослаш» мавзуси актуал ва долзарб.

2. Катта Наманган каналдан келувчи каналнинг ишчи характеристикаси тузилди.

3. Сув омборида гидрометрик ишлар куриб чиқилди, ва гидрометрик постли мустахкамланган узан конструкцияси ишлаб чиқилди.

4. Шамол тулкини таъсирида тўғон тепасининг НОС дан кутарилиш баландлиги аниқланди ва ҳисоблар шуни кўрсатдики тўғон устидан сув куйилиши кўрсатилмайди.

5. Сув омбори эксплуатацияси хизматининг структураси, эксплуатация хизмати штати эксплуатация хизматининг асосий вазифалари сув омборини эксплуатация қилишда назорат-текширув тизимлари баён этилди.

6. Гидротехник иншоотларини таъмирлаш ва қайта тиклашда меҳнат муҳофазасининг асосий қоидалари баён этилди.

7. Сув омборидан фойдаланишда атроф-муҳит муҳофазаси куриб чиқилди.

Тавсиялар

1. Сув омбори хавзасида лойка тупланиш даражасини аниқлаш.
2. Авария-захира материалларининг миёрлар буйича тиклаш.
3. Таъмирлаш ишларини бажариш.
4. Сув омборини эксплуатация қилиш қоидаларини тупланган тажрибалар ва замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш.
5. Сув чиқариш иншоотининг ҳақиқий сув утказиш қобилиятини аниқлаш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. «2014 йил юқори ўсиш суратлари билан ривожлантириш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохатлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги 2013 йилда мамлакатимизни-иқтисодий ривожлантириш ҳамда 2014 йилда мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маъруза – Қашқадарё газетаси, 2014 йил 21 январ.
2. Бакием М.Р., Мажидов У., Носиров Б.Ш., Хўжакулов Р.Т., Рахматов М.И. Гидротехника иншоотлари. 1-жилд. –Т.: Янги аср авлоди, 2008 йил
3. Бакием М.Р., Мажидов У., Носиров Б.Ш., Хўжакулов Р.Т., Рахматов М.И. Гидротехника иншоотлари. 2-жилд. –Т.: Иқтисод-молия, 2009 йил.
4. Бакием М.Р., Мажидов У., Носиров Б.Ш., Хўжакулов Р.Т., Саидов И.Э. Гидротехника иншоотларини лойиҳалаш. –Т.: Фан ва технология, 2013 йил.
5. Гидротехнические сооружения. Под ред. Н.П.Розанова. -М.: Агропромиздат, 1985 г.
6. Справочник проектировщика. Гидротехнические сооружения. Под ред. В. П. Недриги. –М.: Стройиздат, 1983г.
7. Курсовое и дипломное проектирование по гидротехническим сооружениям. Под. ред. В.С. Лапшенкова, -М.: Агропромиздат, 1989 г.
8. Алтунин С.Т. Водозаборные узлы и водо хранилища. –М.: Колос, 1963.
9. Хусанхўжаев З. Х. Сув омборларидаги гидротехника иншоотлари. -Т.: Мехнат, 1986 йил.
10. Хусанхўжаев З. Х. Дарёдан сув олиш иншоотлари. -Т.: Ўқитувчи, 1986 йил.
11. Киселев П. Г. Справочник по гидравлическим расчетам. – М.: Энергия, 1972 г.
12. Ирригация Узбекистана. Том 3. -Т.: Фан, 1975

13. Вакиев М.Р., Янгиев А.А., Қодиров О. Гидротехника иншоотлари. Т.: Фан, 207 йил.
14. Справчик Мелиорация и водной хозяйстваво сооржения. По ред Полод заде. М.: Агропромиздат. 1987 г.
15. Муҳаммедов А.М. Эксплуатация низхонопрохних гидроузлов на реках тарнспорт руший насоси. Т.: Фан, 1976 г.
16. Сув омборларида иншоотларнинг техник ҳолатини айнан кузатиш бўйича қўлланма. Т.: САНИИРИ, 1974 йил.
17. Гаппаров Ф.А., Садиқов А.Х. Сув омборлари техник эксплуатацияси бўйича намунавий йўриқнома. Т.: 2007 йил.
18. Бакиев М.Р, Турсунов Т.Н. Сув хўжалиги ташкилотлари эксплуатациясини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар. Т. 2006 йил.
19. Бакиев М.Р., Кавишников А.Т., Турсунов Т.Н. Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш. Т.: 2007 йил.
20. Қодирова М. Дарё гидроузелларидан фойдаланиш.-Т.: 2007 йил.
21. Кавешников Н. Г, Эксплуатация и ремонт гидротехнических сооружений. -М.: Агропромиздат, 1989 г.
22. Хамадов И. Б., Батурин М. В. Эксплуационная гидрометрия в ирригации. -М.: Колос, 1975 г.
23. ҚМҚ 2.06.01-97. Гидротехника иншоотлари. Лойиҳалаштиришнинг асосий низомлари. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. -Т.: 1997 йил.
24. ҚМҚ 2.06.08-97. Гидротехника иншоотлари. -Т.: 1998 йил.
25. ҚМҚ 3.07.01.-96. Дарё гидротехника иншоотлари. -Т.: 1996 йил.

